Ишқор эритмаси, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш даврида, колоннанинг ўрта қисмидан ишқорий дренаж тизимига (7400 зона) дренаж қилинади.

Пиролиз газини ишқорнинг кучсиз эритмаси билан тозалаш секцияси. Эркин ишқорнинг концентрацияси 1,2÷1,8 % (оғир.) бўлган ишқор эритмаси GA-1202

циркуляцион насос билан “маточник” орқали тақсимлаш ликопчасига берилади. Циркуляцион эритманинг миқдори $19\div 21$ м³/х ни ташкил этади. Эркин ишқорнинг концентрацияси нисбатан юқори бўлган “кучли” эритмаси ҳам, колоннанинг ўрта секциясидан, шу ерга (ликопчага) берилади. Эритмалар аралаштирилгандан кейин, эритманинг концентрацияси тахминан $2,0\div 2,5$ % (оғир.) ташкил этади.

Эритма насадканинг пакетлари орқали ҳаракатланиб боргани сари, пиролиз газини СО₂ ва Х₂С лардан тозаланиб боради. Ишқор билан тозалаш колоннасининг кубини икки секцияга, циркуляцион ва ишлатилган ишқор секцияларига бўлинган. Колонна кубининг ички қисми шундай тузилганки, оқиб ташаётган эритманинг ҳаммаси дастлаб кубнинг бир секцияси (циркуляцион секция) га тушади, у ердан GA-1202 насос билан циркуляция учун берилади.

GA-1202 насос 50X40UCWM20 турдаги, учи томондан қўшқават зичлагичли горизонтал, марказдан қочма насос ҳисобланади. Насосни ишга тушириш ва тўхтатиш, майдончада жойлашган насосларни бошқариш панелидан, қўлда амалга оширилади. Насоснинг корпусини механик ифлосланишининг олдини олиш учун, сўриш қувурўтказгичида ўлчамлари 50 меш бўлган, тўрсимон фильтр жойлаштирилган. Насоснинг корпусидаги босим ПГ-12058 манометр билан ўлчанади.

Насосдан чиқишда ишқор эритмаси ДА-1201 колоннани куйи секциясининг юқори қисмига берилади. Циркуляцион эритманинг сарфи, қийматларни РСУ (ДСС) га бериш билан, жойида (майдончада) ФИ-12008 сарф ўлчагич воситасида ўлчанади. Сарфни тартибга солиш, сарф датчиги кўринадиган масофада жойлашган, қўлда бошқариладиган клапан билан амалга оширилади.

Куйи секциянинг циркуляцион эритмасидаги эркин ишқор концентрациясининг даврий лаборатория назоратини олиб бориш учун, насосдан кейин йўлда С-1203 намуна олиш нуқтаси жойлаштирилган.

Колоннани таъмирлаш ва насосга техник хизмат кўрсатиш даврида, суюқ фаза ишқорий дренаж тизимига (7400 зона) дренаж қилинади.

Қиш даврида ишлатишда “совуб кетишининг” олдини олиш учун ишқор эритмасининг айланиш (циркуляция) қувурўтказгичлари, циркуляцион насос ва НЎА ва А асбобларининг олиш мосламаларига “иссиқлик йўлдошлари” (теплоспутник) ўрнатилган.

Ишқорнинг “кучсиз” эритмаси билан тозалаш секциясида, пиролиз газини тозалаш самарадорлиги қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- эритмадаги эркин ишқорнинг концентрацияси;
- “хўллаш” суюқлиги (орошение) нинг (циркуляция + қўшимча таъминлаш (подпитка)) умумий сарфи;
- ишлатилган ишқор эритмасининг чиқариладиган ҳажми (продувка).

Юқори секциядан берилладиган ишқор эритмасининг сарфи, колоннанинг юқори секциясига берилладиган тоза ишқор эритмасининг қўшимча таъминлаш (подпитка) ҳажмига боғлиқ бўлади ва ишқорнинг ишлатилган эритмасидаги эркин ишқорнинг қолдиқ миқдорини $1,0\div 1,5$ % (оғир.) даражасида ушлаб туради.

Колоннада материал балансини бир маромда ушлаб туриш, ишлатилган ишқор эритмасининг бир қисмини ишлатилган ишқор эритмасини оксидлаш қурилмаси (ИИОҚ) га чиқариш йўли билан, амалга оширилади. Ишқор эритмасининг чиқариладиган миқдори = ишқор эритмасининг қўшимча миқдори (подпитка) + конденсатланган углеводородлар + НЎА ва А асбобларининг олиш мосламаларини ювиш учун берилладиган ювиш суви. Ишқор эритмасининг бир қисми кубнинг циркуляцион секциясидан ишлатилган ишқор секциясига қуйилади, у ердан сатҳни назорат қилган ҳолда ИИОҚ га чиқарилади. Ишлатилган ишқор секциясидаги суюқликнинг сатҳини назорат қилиш, сатҳнинг юқори (85 %) ва куйи (20 %) қийматларида сигнализация билан, ЛС-12006 назорат асбоби воситасида амалга

оширилади. ЛВ-12006 “НЁ” тартибга солиш клапани, ишлатилган ишқорни чиқариш йўлида ўрнатилган.

Сатҳнинг минимал қийматига (15 %) эришилганда, И-1204 блокировкани активловчи, ЛСЛЛ-12006 блокировка ишлаб қолади. Блокировканинг активланиши ЛВ-12006 клапаннинг ёпилишига олиб келади. Ишлатилган ишқор секциясидаги эритманинг сатҳи нормал ҳолга келганда клапанни очиш учун, майдончадаги соленоидли клапанни “ташлаш” (ресет) ни амалга ошириш лозим.

Ишлатилган ишқор секциясидаги эритманинг сатҳи жойида ЛГ-12056 сатҳ ўлчагич билан ўлчанади.

Пиролиз гази ишқор эритмаси билан реакцияга киришиб боргани сари, ўрин олиш реакциялари (1÷5) билан бир қаторда, альдолнинг ҳосил бўлиш ва конденсатланиш реакциялари (6÷10) ҳам боради. Альдол конденсатланиш жараёнида ҳосил бўлган полимер (“сарик” мой) пиролиз газини ишқор билан тозалаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади (насадка, қувурўтказгичлар ва НЎА ва А асбобларининг олиш мосламаларини ифлослан-тиради). Ҳосил бўлган “сарик” мой колоннанинг куб қисмида ажратиб олинади. Ҳосил бўлган “сарик” мойнинг зичлиги, ишқор эритмасининг зичлигидан кичик, шунинг учун у ишлатилган ишқор секциясида ишқор эритмасининг устида тўпланади. Ишлатилган ишқор секциясидаги ишқор эритмасининг сатҳини 85 % гача кўтариш, “сарик” мойнинг мослама (“карман”) га оқиб чиқишини таъминлайди. “Сарик” мойнинг қуйилишида секциядаги сатҳнинг кўтарилишини фазаларни ажралиш чизиғи (интерфейс) ни назорат қилган ҳолда (ЛГ-12055), олиб бориш лозим. Мослама (“карман”) даги сатҳ қийматининг, ишлатилган ишқор секциясидаги эритманинг сатҳи 85 % гача етгунча кўтарилиши, “сарик” мойнинг қуйилиши (оқиб чиқиши) дан дарак беради. “Сарик” мойнинг қайта айланмаслиги (рециркуляция) ва ускаларнинг бундай кейинги ифлосланишига олиб келмаслиги учун, уни колоннанинг таг қисмидан, даврий равишда чиқариб ташлаш лозим. ДА-1201 колоннадан “сарик” мойни чиқариб ташлаш жараёни 4.2.1.4 “Сарик” мойни газсизлантириш ва қуйиб олиш бўлимида батафсил баён этилган.

Ишлатилган ишқор эритмасининг сифатини (эркин ишқорнинг концентрацияси, рН, сульфидларнинг миқдори) даврий лаборатория назоратини олиб бориш учун, С-1202 намуна олиш нуктаси ўрнатилган.

Сатҳ ўлчагичларнинг (ЛГ, ЛС) олиш мосламалари (отбор) ни “сарик” мой (полимерлар) билан ифлосланишининг олдини олиш учун, улар доим буғ конденсати билан ювилади.

Юқори босимли буғ конденсати, сарфни назорат қилган ҳолда (ФИ-12066 А/Б/С), сатҳ ўлчагичларнинг қуйи ва юқори олиш мосламалари (отбор) га берилади. Буғ конденсатининг сарфини тартибга солиш, қўлда бошқариладиган тартибга солиш клапани билан амалга оширилади.

Колонна бўйича босимлар фарқи ПДИ-12015 босимлар фарқини ўлчаш асбоби (перепадомер) билан ўлчанади. Қуйидаги босимлар фарқларини ўлчаш имкони мавжуд:

- ишқор билан тозалаш колоннасининг кубини ва юқори қисми ўртасидаги (колоннанинг қуйи + ўрта + юқори секциялари);
- ишқор билан тозалаш колоннасининг ўрта қисмининг таги ва колоннанинг юқори қисми ўртасидаги (колоннанинг ўрта + юқори секциялари);
- ишқор билан тозалаш колоннасининг юқори секциясидаги.

Колоннани таъмирлаш даврида суяқ фаза ишқорий дренаж тизимида (7400 зона) дренаж қилинади.

Қиш даврида ишлатишда “совуб кетишининг” олдини олиш учун ишқор эритмасининг айланиш (циркуляция) қувурўтказгичлари, циркуляцион насос ва НЎА ва А асбобларининг олиш мосламаларига “иссиқлик йўлдошлари” (теплоспутник) ўрнатилган.

Нефт хомашёлар пиролизи

Жараён тўғрисида қисқача маълумотлар

Нефт хомашёларини юқори температураларда термик керкиглаш – пиролиз одатда газсимон олифинларни, биринчи навбатда этилен, шунингдек пропилен ва бутадиеңлар олиш мақсадида амалга оширилади. Саноат пиролизини энг кўп тарқалган кўриниши қувурли печлардаги пиролиз ҳисобланади. Энг кўл қўлланиладиган хомашёлар – бу газсимон тўйинган углеводородлар (этан, пропан, н-бутан) ва нефтни тўғри хайдашдан олинган ласт октанли бензин фракциялари, риформинг рафинатлари чиқишини бир мунча кўл беради.

Саноат қувурли печларида пиролиз температура режими қайта ишланадиган хомашё турига боғлиқ бўлади: газ кўринишли хомашё пиролизи анча юқори температураларда (этан пиролизидида печдан чиқиндаги температураси 870°C ва ундан юқори). Бензин фракциялари пиролиз температураси уларнинг кимёвий таркибига боғлиқ ҳолда 830 дан 870°C гача ўзгариб туради ва бунда тўқнашув давомийлиги 1 дан 0,3 с гача бўлади. Этилен чиқишни кўпайтириш хомашёга сув буғини хўшиш, углеводородларни паршал босимни камайтириш билан амалга оширилади. Газсимон хомашё пиролизидида буғ сарфи хомашёга нисбатан 20-30% (масс), бензин фракциясида - 50-70% (масс)ни ташкил этади. Сув буғи иштирокида албатта реакторга кирувчи, пиролиз ва реактордан чиқувчи буғлар ҳажми кўпаяди.

Агар пиролиз режими – температура, сув буғи сарфи ва тўқнашув давомийлиги берилганларга кўра реакторга зарур хомашё сарфини топиш мумкин:

$$G = \frac{26,532McVp}{T\tau\left(1 + \frac{W_{\text{чиқ}}}{W_{\text{кки}}}\right) \cdot (18Sx.a + Mx.aSc)}$$

Бу ерда G -хомашё сарфи, г/мин; 26,532-ўзгармас; M_{x_0} -хомашё молекуляр массаси; V_p -реакцион қисм хомашёси, м³; T -реактордаги абсолют температура; К; τ -тўқнашув давомийлиги; С; X -сув буги молекуляр массаси; S_{x_0} ва $S_{сув}$ -хомашё ва сув бугининг мос ҳолдаги улушлари; $W_{чик}$ ва $W_{кир}$ -реактордаги чиқиш ва кириш оқим тезлиги, см³/с. Унинг нисбати –

$$\frac{W_{ч}}{W_{к}} = E = \frac{C}{H} + 0.003446H - 5.315$$

печдан чиқишдаги маҳсулотлар хомашёни кенгайтириш тавенфлайди (бу ерда C/H - бошланғич хомашёдаги угасводороднинг водородга нисбати; μ -пиролиз катъийлиги, $\mu \cdot t^{0.126}$).

Пиролиз лаборатория қурилмаси

Пиролиз лаборатория қурилмаси схемаси 7-расмда тасвирланган. Жараён кварцли реакторга амалга оширилади. Реактор кварцли найзга тайёрланган бўлиб, термопара учун чўнтакка эга ва шилиф ёрдамида реакция маҳсулотларини йиғиш ва тизим маебаларига уланган. Реакцион қисм асосан реакторнинг кенгайтирилган узунлиги 100 мм қисмида жойлашган. Реакцион қисм ҳажми 22-23 см³ яъни реактор умумий ҳажмини тахминан 75% ташкил этади. Реактор қувурли печда жойлашган, бир мунча эгилган қисми йиғичга тўғрилланган. Печ уч бўлимли ўрам билан жиҳозланган ва 870-900⁰С гача қиздиришга мўлжанланган. Температура патенциометрга ўлчанган термопара (хром-алюминли ёки платина-платина радилийли) ёрдамида ўлчанади.

Хомашёни узатиш тизими. Суюк хомашё (бензин, керосин, газойл фракциялари) ва сув ўлчов идиши (1)га куюлади, узатиш тезлиги белгиланади. Доимий узатиш манбаси азот ёстикчасини ҳосил қилиш билан таъминланади. Хомашё ва сув аралашмаси оралик сифимларидан (2) ўтиб, электр печи жойлашган реактор (4) га киритилади.

Йиғичлар тизими. Пиролиз маҳсулотлари совутгич қисман конденсация ва совутишдан сўнг туткич (8) да сувни қисми ажратилади, кетма-кетликда ўрнатилган йиғичларда (9) смолаларни енгил қисми ҳаммомга чўктирилган қуруқ ях ёрдамида ушлаб қолинади. Газларни чиқариш газ соати (11) билан ўлчанади: газ намунаси газ ўлчагичдан тажриба режимига кўра олиб турилади.

Тажрибани тайёрлаш ва ўтказиш

Ўлчов идиши хомашё ва сув билан тўлдирилади ва идишлар ўлчанади. Қиздириш печи қўшилади. Қурилма герметиклиги текширилгандан сўнг азот билан шамоллатилади. Реактордаги температура ЛАТР ёрдамида белгиланган температурадан 10-15^oС юқори ўрнатилади. Тажрибада натижаларини ёзиш учун ишчи дафтар тайёрланади. Ёзувлар шакли қуйидагича:

Пиролиз.....(хомашё номи)
 Тажриба шароити
 Температура, ^oС.....
 Узатиш тезлиги, см³/мин.....
 Хомашё.....
 Сув.....
 Газ соати кўрсатиши
 Бошланишда.....
 Охирида.....
 Газ ўлчагичда олинган газ, л.....
 Йиғичлар массаси, г
 Тажрибадан сўнг
 Бўш ҳолатида.....
 Йиғичдаги енгил смолалар массаси, г

вақт	Температура, °С	Бюреткадаги хомашё сатҳи, мм
Тажриба бошланишисоатмин		
Хар		
10 мин		
20 мин		
30 мин		
Тажриба якунисоат ...мин		

Ўлчов идишдан хомашё ва сув узатиш тезлиги тажрибадан олдин ҳисобланади. Лаборатория қурилмаси учун бу тезлик $0.5-1 \text{ см}^3/\text{мин}$, тажриба давомийлиги 2-3соатни ташкил этади. Реактордаги температура қачонки белгилангандан $10-20^\circ\text{C}$ юқори бўлганда азот узатиш тўхтагилади ва хомашё ва сув нисбатларига кўра узатиш патенциометр кўрсаткичини кузатган ҳолда бошланади.

Пиролиз хомашёси ва маҳсулотлари таҳлили

Хомашё. Пиролиз суюқ хомашёсида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади: зичлик; фракцион таркиби; молекуляр массаси ва элементар таркиб (элементар таркиб эмпирик формулага кўра тахминан аниқлаш мумкин:


$$H=26d^{15}_{15}$$

бу ерда d^{15}_{15} – хомашё нисбий зичлиги)

Пиролиз маҳсулотлари. Пиролиз асосий маҳсулоти газ ҳисобланади. Газ таркиби ҳажм ва масса Ғоизларга ўтказилади. Газ таркиби тўғрисидаги маълумотлар жадвалга киритилади:

Компонентлар	Газдаги миқдори, % (ҳажм)	Миқдори, % (масс.)	
		газла	Бошланғич хомашёда
Водород			
Метан			
Этан			
Этилен			
Пропан			
Пропадиен			
Бутадиен			
Бутилдиен			
С ₅ ва оқори			

Пиролиз смоласида: 200°C гача бўлган фракциялар ҳайдалади. Олинган фракция учун нисбиометр ёрдамида зичлик, йод сониг, нур симдириши кўрсаткичи, колдик смола учун зичлик аниқланади.



Piroliz laboratoriya qurilmasi jarayoni

1-xom ashyo o'lchov idishi, 2-oraliq sig'imlar, 3-qizdiruvchi pech,
4-reaktor, 5-termopara, 6-potentsiometr, 7-sovutgich,
8-tutqich, 9-yig'gich, 10-monometr, 11-gaz soati, 12-CaCl₂ li kolonka,
13-aktivlangan ko'mir, 14-H₂SO₄ li yuvish kolonnsi,
15-askaritli nay, I-azot, II-havo, III-koks yondirilishidagi maxsulotlar,
chiqaruvchi pirogaz.
IV-atmosferaga chiqariluvchi pirogaz, V-gaz o'lchagichga

3 ХИСОБЛАШ ҚИСМИ

4 ХФХ КИСМ

4.1. Нефтни кайта ишлаш технологиясида атроф-мухитни муҳофаза қилиш

БНКИЗ да ишлатиладиган нефт ва нефт маҳсулотлари, катализатор ва реагентларнинг ёнғинга ва портлашга хавфли хусусиятлари уларнинг алангаланиш ҳарорати (портлаши) билан характерланади. ОНТП 24-86 га мувофиқ яъни “Бино ва хоналар категориясини портлаш ва ёнғин хавфи бўйича аниқлаш”, бино ва хоналар уларда жойлашган материал ва маҳсулотларга караб, А,Б,В,Г ва Д категорияларга бўлинади.

- 1) Категория А (портловчи ёнувчи) – Ёнилги газлар, алангаланиш ҳарорати 28⁰С дан ошмаган. О.А.С лар хонадаги босим 5 кПа дан ортганда осон алангаланиб, портлаши мумкин. Бундай маҳсулот ва материалалар сув, ҳаво ёки узаро таъсири орқали, хонадаги босим 5 кПа дан ошганда портлаши мумкин.
- 2) Категория Б (портлаш га ва ёнишга хавфли) – ёнилги чанглари ёки толалари. Алангаланиш ҳарорати 28⁰С дан ошмаган ОАСлар хонадаги босим 5 кПа дан ортганда чангли ҳаво ёки бугли ҳаво аралашмалари ҳосил қилиб, алангаланиши натижасида портлаши мумкин.
- 3) Категория В (Ёнғинга хавфли) – Ёнилги ва кийин ёнувчи суюқликлар, каттик ёкилги ва кийин ёнувчи маҳсулотлар ва материалалар (шунингдек тола ва чанглар), сув, ҳаводаги кислород ёки узаро таъсири орқали ёниши мумкин бўлган маҳсулот ва материаллар.
- 4) Категория Г – иссик ёки эриган ҳолдаги ёнмайдиган маҳсулот ва материаллар. Уларни қайта ишлаш жараёни иссиқлик нурларини ажралиб чиқиши, билан учкун ва аланга билан боради, ёнилги сифатида ишлатиладиган ёнилги газлари, суюқ ва каттик маҳсулотлар.
- 5) Категория Д – Совуқ ҳолдаги ёнмайдиган маҳсулот ва материаллар.

Электр жихозларни урнатиш коидаларига мувофиқ, электр жихозларни танлашда портлашга хавфли ва ёнғинга хавфли бўлган зоналар катта аҳамиятга эга. Портлашга хавли зона бу, хона ёки хонадаги чегараланган жойда ёки ташқари қурилмада портлашга хавфли аралашма ҳосил буладиган жойдир. Технологик ёнилги газлари ёки О.А.С буглари қурилмадан ажралиб чиқиши мумкин бўлган жойдан 5 м вертикал ва 5 метр горизонтал жой портлашга хавфли жой дейилади. Ёнғинга хавфли зона деб даврий ёки доимий равишда ёнилги (ёнувчан) маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган хоналар, яъни технологик жараён бузилганда ёнғинга хавфли зона ҳисобланади. Портлашга хавфли хонада ва ташқи қурилмада ишлатиладиган электр жихозлар хавфсизликни таъминласалар уларни портлашдан химояланган деб айтадилар.

Портлашдан химояланган электр жихозларни танлашда шу қурилма ишлатиладиган жойда портлашга хавфли аралашмалар концентрацияси ва категорияси, группаси аниқланади. Категория максимал ораликнинг хавфсизлик катталиги билан аниқланади, группаси эса – маҳсулотнинг уз-узидан алангаланиш ҳарорати билан аниқланади.

Транспорт қилинадиган маҳсулотларнинг физика-химиявий хусусиятларига ва ишчи параметрларига караб, трубопроводлар учун материалалар уларнинг классификацияси бўйича танланади.

НКИЗ ларида ёнғиннинг олдини олиш учун ёнғинга қарши тартиб-режим урнатилади. Бу режим объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

4.2. Ёнгин хавфсизлиги.

Уз узини химоя килиш воситаларига куйидагилар: Махсус кийим, махсус оёк кийими, кулни химояловчи воситалар, противогазлар ва бошқалар мисол булади. Уз-узини химоя килиш воситаларидан фойдаланиш техника хавсизлиги коидаларига асосланган булиб, норма буйича берилади.

Махсус кийимлар химоялаш турига караб куйидаги группаларга булинади. Харорат тушганда, харорат кутарилганда, механик таъсирланишда; рентгент нурлари ва радиоактив махсулотларда: электр токида, электростатик зарядларда, электрли ва электромагнитли майдонда; чангларда; захарли махсулотларда, захарли булмаган махсулот эритмалари ва сувларда ва бошқаларда.

Махсус химояловчи кийимлар куйидаги турларга булинади: пальто, ярим пальто, ярим шуба, накидкалар, плашлар, халатлар, костюмлар, шимлар, комбизонлар, ярим комбизонлар, жакетлар, блузкалар, куйлаклар, фартуклар. Нефт ва нефт махсулотларидан химояловчи махсус кийимлар ГОСТ га биноан пахтали ва аралаш матолардан тайёрланади.

Махсус оёк кийими оёкларни шикастланишдан, агрессив махсулотлар таъсиридан, нефт ва нефт махсулотларидан, паст хароратлардан, исиб кетиш ва куйишлардан, чанг булувчи ва ифлослантирувчи махсулотлардан химоя килиш учун ишлатилади. Махсус оёк кийимлари куйидаги турларга булинади: Этик, ярим этик, ботинка, ярим ботинка, туфли, калиш, сандали, тапочка.

Нефт ва нефт махсулотларидан химояланишда поливинилхлорид ва каучукдан тайёрланган резина этикдан, кирза этикдан, «уонверт» типдаги ярим этикдан фойдаланилади.

Ишлаб чиқаришда концентранган кислоталар, ишкорли ва бошка агрессив суюкликлар билан ишлаганда ишкорга ва кислотага бардошли резина этикдан поливинилхлорид ва каучукдан тайёрланган пластмассали этиклардан фойдаланилади.

Кулни химояловчи воситаларга кулкоплар киради.

Махсус оёк кийими ва кулни химоя килиш воситаларини танлашда кулай булиши учун улар маркаларга ажратилади.

Ахоли яшайдиган жойда атмосфера хавосини ифлослантириш мумкин булган зарарли моддалар учун 2 та норматив кабул килинган: максимал бир марталик ва уртача кунлик меъёрий мумкин булган концентрация (М.М.Б.К ёки ПДК). Бундан ташқари ишчи зонасида зарарли моддалар ММБК си нормалари аниқланган. Ахоли яшайдиган жой хавосида меъёрий мумкин булган максимал бир марталик концентрация (мг/м^3) – бу шундай концентрацияки шу хавода 20-30 дакика булиши инсон организмига рефлекторли реакцияларни олиб келмайди. Меъёрий мумкин булган уртача бир кунлик концентрация (мг/м^3) – бу шундай концентрацияки, инсон шу ишчи зонасида куп вақт булишига карамай унинг организмига шу зарарли моддалар салбий таъсир курсатамаслиги керак. Ишчи зона хавосида зарарли моддалар ММБК (мг/м^3) – бу шундай концентрацияки дам олиш кунларидан ташқари хар куни иш вақти 8 соат ёки хафтасида 41 соат ишлаганда, бутун иш стажи мобайнида инсон саломатлигига зиён келтирмаслиги керак.

Захарли махсулотларни характерлашда уларни инсон соғлигига таъсир килиш даражасидан фойдаланиладилар. (хавфлилик синфлари). Зарарли моддаларни таъсир килиш даражасига караб 4 та синфга тақсимлаймиз: 1) Фавкулотда хавфли ; 2) Юкори хавфли; 3) урта хавфли ; 4) кам хавфли.

Сув захарларини ифлослантирувчи моддалар 2 ММБК ахамиятга эга – сув хавзасидаги сув ва балик хужалигига ишлатиладиган сув хавзасидаги сув учун.

Сув хавзасидаги сувда зарарли моддаларнинг ММБК га тенг булган концентрацияси (мг/л) инсоннинг бутун хаёти даврида организмига салбий таъсир

курсатмаслиги керак, шунингдек сувдан фойдаланишнинг гигиеник шароитларини бузмаслиги керак.

4.2. Давоми

Ёнгин келиб чиқиш ҳолатларини олдини олиш чоралари.

НКИЗ ларида ёнгиннинг олдини олиш учун ёнгинга қарши тартиб-режим урнатилади. Бу режим объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

НКИЗ лардаги ёнгинга қарши химоя тизими қуйидагиларни уз ичига олган: автоматик ёнгинга қарши сигнализация воситалари, автоматик ва қузгалмас ёнгин учирғиш тизими. “Нефтни қайта-ишлаш саноатида ёнгин хавфсизлиги қоидалари” талабларига мувофиқ барча ишлаб чиқарувчи ва ёрдамчи иншоотлар, ташқаридаги қурилмалар бирламчи ёнгинни учирғиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак. Бирламчи ёнгинни учирғиш воситаларига қуйидагилар қиради:

- қупикли қимёвий ут учирғиш ОП-5, ОХП-10, ОХВП-10
- қумир қислотали ут учирғиш ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8
- қумир қислотали –бром этилли ут учирғиш ОУБ-3, ОУБ-7
- ҳаволи-қупикли ут учирғиш ОВП-100, ОВПУ-250
- қум, войлок, асбестли ёпқич

Нефтни қайта ишлаш заводида қуп микдорда нефть ва нефть маҳсулотлари ёнилғи ва ёнилғи маҳсулотлари ва портлашга мойил суюқлик ва газлар ишлаб чиқарилади. Технологик цехларда иш жараёнида қурилмаларда нефтни қайта ишлаш заводида содир бўлиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатлар:

- ёнгин келиб чиқиши, қурилмани таъмирлаш учун очганда бўлиши мумкин ёки трубопроводларда ёки қурилма иш режими бузилиши оқибатида;
- нефть маҳсулотларини ишчи, H_2 , C бошқа зарарли қикиндилар натижаларида: электр ток қикишида ёки ерга уланмаган электр қурилмаларида ёки электр қобик ишдан қикканда.

4.3. Мехнат муҳофазаси.

Технологик курилма ва аппаратлар ишлаётган вақтда эҳтиёт чораларини куриш керак булади. Курилма худудига киришдан олдин техника хавсизлиги коидаларини яхши урганиб олиш керак булади. Акс холда техника хавсизлигини билмаслик, курилма ёнида ухлаб қолиш, сигарет чекиш ёмон оқибатларга олиб келади. Курилма худудига темир кокилган оёк кийими билан кириш, махсус кийим ва бош кийимсиз кириш катъан таъқиқланади.

Айрим техника хавсизлиги коидаларига риоя қилмаслик натижасида учкун чикиб кетиши ва ёнгин чиқишига олиб келиши мумкин ва ундан ташқари ишчиларнинг биргина эҳтиётсизлиги натижасида босим олиб кетиши, хароратнинг керакли нормада булмаслиги, хом-ашё кириш режимининг бузилиши портлаш ва бошқа салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Реакторларни тозалаш вақтида унинг ичига тушишдан олдин белда аркон ва газдан химояловчи жихозларни кийиб олиш керак булади. Химояловчи жихозларга противогаз мисол була олади. Противогазларнинг турли шароитларда турли хил турлари қулланилади. Масалан, БГКИЗ да СИЗО – махсус химояловчи кийим: Улар 2 турга бўлинади.

1) ППФМ – саноатда ишлатилувчи мукаммаллаштирилган филтёрловчи противогаз.

2) ПШ – химояланган противогаз.

ППФМ – битта ютувчи элемент билан булса куйидаги элементлар булади.

1.-маска. (юз никоби).

2. – кути (битта ютувчи элемент).

3).- сумка: 4- Паспорт: 5- Бирка.

ППФМ нинг 2 турининг тузилиши:

1-маска;

2.- Гофриланган трубка (ковурғали шланг.);

3- Кутилар; 4- филтёр; 5- сумка;

6- Паспорт; 7- Бирка.

ФП кутиларининг ҳам бир неча турлари бор.

Маркалари ранги ишлаш вақти.

«А» + А» жигарранг 60 мин + 120.

К Д + қулранг 35 мин + 70.

В + В сарик ранг 60 мин + 120.

Кути А (жигар ранг) – Углеводород газларидан, бензин буги, пропан, бутан газларидан химоя қилади.

КД (кулранг) – Н₂ С ва хлор (ва олтин гугурт) газидан сақлайди.

«В» (сарик ранг) – хлор ва олтин гугурт газларидан сақлайди.

Филтёрлар чанг ва намдан сақлайди.

Противогазлар – 30 с дан + 50 с гача хароратда ишлаш қобилиятига эга булади.

Никоблар 5 та размерга бўлинади.

О; 1; 2; 3; 4;

Р О – 63 см.

Р 1- 63,5 – 65,5см.

Р 2- 66,5 – 680см.

Р 3- 68,5- 70,5 см.

Р 4 – 71 - см.

Хаво таркибидаги кислород (О₂) нинг микдори 20% гача булган тақдирда, захарли газлар 0,5 % ни ташқил қилса филтёрловчи противогазлар ишлатилади.

Хаво таркибидаги кислороднинг микдори 20% дан кам булса ва захарли газлар 0,5 дан ортган булса химояланган противогазлар ишлатилади.

Химояланган противогазлар инсонни юзи, куриш, нафас олиш органларини химоя килиш мақсадида ишлатилади.

Химояланган противогазлар:

ПШ – 1 ва ПШ- 2 лардир.

ПШ нинг тузилиши куйидагича булади.

1. Маска
2. ковургали шланг (10 м)
3. хомут (боғлагич)
4. Елка ремент.
5. алока берувчи ва куткарувчи аркон.
6. бел камари.
7. 10 м лик шланг.
8. шланг фильтри.
9. козик; 10 – махсус халта; 11- Паспорт.

ПШ лар билан ишлаганда газга хавфли зонанинг радиусига эътибор бериш керак.

Хавфли зонага кирганда ПШ шланги энг узун нуктага етарли килиб хисобга олинади. Ишчи зона радиусига 10 метрли ПШ -2 шланги кичиклик килса, 20 метрли ПШ-2 шланги ишлатилади. Бу ПШ -1 ларда ишлаш учун камида 2 киши булиши керак.

Бири ишловчи, бири назоратчи.

Иш вақтида 30 минут ишлаб, 30 минут дам олиш керак.

Пш -2 да ишлаш учун камида 3 киши булиши керак.

Противогазларни 2 хил текширамыз.

1) Кузатиш йули билан;

2) Асбоблар ёрдамида.

Пш – 2 нинг Пш-1 дан фарқи: хаво етказиб берувчи курилмасининг борлиги билан фарк килади.

« ПДК – рухсат этилган концентрация микдори, олтингугурт гази- 10 мг % МЗ.

Углеводород гази + олтин гугурт гази аралашмаси – 3 мг% МЗ

Хлор гази - 1 мг% МЗ

Диэтиленгликоль - 0, 2 мг % МЗ

« ПВК» - Портлаш концентрацияси микдори.

Олтингугурт гази 4,3 – 45,5% хажмда.

18 ёшдаги кам булмаган, медицина куригидан утган махсус укув курсини тугатган, имтихон топширган ва мустакил ишлашга рухсат олган кишиларга противогаз билан ишлашга рухсат берилади.

4.4. Умумий меҳнат муҳофазаси қоидалари.

Муҳофазанинг умумий талаблари. Хар бир ишчи муҳофазага катъиян риоя қилиши шарт, хар бир қилинадиган иш вақтида ишчи уртоғи ёрдамида ҳам меҳнат шароитларига риоя қилган ҳолда бажарилиши лозим. Агар ишчи техника хавсизлиги қоидаларига риоя қилмаса, дарҳол бу ҳақда участка бошлиғи ёки цех бошлиғига хабар бериш лозим. Агарда узига ёки бошқага хавф тугулганда уша ондаёқ тегишли шахсларга хабар бериш керак. Технологик шемаларда ҳам ишлайдиганлар учун ҳам юқоридаги барча қоидалар тегишли ҳисобланади.

Маҳсус кийимлар химоялаш турига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади. Харорат тушганда, харорат қутарилганда, механик таъсирланишда; рентген нурлари ва радиоактив маҳсулотларда: электр тоқида, электростатик зарядларда, электрли ва электромагнитли майдонда; чангларда; захарли маҳсулотларда, захарли бўлмаган маҳсулот эритмалари ва сувларда ва бошқаларда.

Маҳсус химояловчи кийимлар қуйидаги турларга бўлинади: пальто, ярим пальто, ярим шуба, нақидқалар, плашлар, халатлар, костюмлар, шимлар, комбизонлар, ярим комбизонлар, жакетлар, блузқалар, қуйлақлар, фартуқлар. Нефт ва нефт маҳсулотларидан химояловчи маҳсус кийимлар ГОСТ га биноан пахтали ва аралаш матолардан тайёрланади.

Маҳсус оёқ кийими оёқларни шикастланишдан, агрессив маҳсулотлар таъсиридан, нефт ва нефт маҳсулотларидан, паст хароратлардан, исиб кетиш ва қуйишлардан, чанг бўлувчи ва ифлослантирувчи маҳсулотлардан химоя қилиш учун ишлатилади. Маҳсус оёқ кийимлари қуйидаги турларга бўлинади: Этик, ярим этик, ботинка, ярим ботинка, туфли, қалиш, сандали, тапочка.

ХУЛОСА

Якин йиллар ичида Ўзбекистон нефт, газ ва газоконденсат казиб олиш буйича куринарли уринларни эгаллайди. Бу эса республикада юкори сифатли Ёкилғи ишлаб чиқаришга ва келгусида кимё саноати учун махсулотлар етказиб берадиган хомашё базасини ташкил этишга ёрдам беради. Ўзбекистонда табиий газ конлари ва уларнинг захиралари жуда куп. Бу эса газ казиб олинганда чиқадиган (газ билан) газоконденсатни ишлаб чиқаришни купайтиради. Шунингдек нефтни ҳам захиралари катта.

Газоконденсатларни юкори сифатли эканлиги – уларни таркибидаги нафтен ва ароматик углеводларни куплиги (70 % гача) ва уларда смола-асфальтенли моддаларни деярли йуклиги, сероорганик бирикмаларни камлиги, газоконденсатларни полимер саноати учун ва бошка кимёвий махсулотлар олиш учун кимматбахо хомашё эканлигини курсатиб турибди.

Нефтни қайта ишлаш саноатига янги процессларни кириб келиши (каталитик крекинг, гидротозалаш, гидрокрекинг) рангсиз нефт махсулотларини куплаб ишлаб чиқарилишига олиб келди. Халк хужалигини нефт махсулотларига булган эхтиёжини бироз яхшилади.

Лекин газни қайта ишлаш саноатининг ва бошка сохаларнинг ютуқлари канча юкори булмасин – уларни ривожланишини техникавий даражаси жахон техника даражасидан махсулотларни комплекс қайта ишлаш сохасида, айникса, юкори сифатли махсулотлари - бензин, керосин, дизель Ёкилғиси, спиртлар, пластификаторлар, парафинлар, присадкалар ва бошка кимматбахо кимёвий материаллар ишлаб чиқаришда орқада колмокда.

Бу масалаларни хал қилиш учун янги каталитик жараёнларни саноатга тадбик қилиш билан бир пайтда (каталитик крекинг, каталитик риформинг, алкиллаш, полимерлаш, гидротозалаш ва хоказо) принципиал янги катализаторларни синтез қилиш ва саноатга жорий қилиш керак. Бир катализаторда, бир реакторда, полифункционал катализатор ёрдамида икки-уч жараённи олиб бориш юкорида курсатилган камчиликларни бархам беришга ёрдам беради.

Янги сорбентларни яратиш, уларни саноат микёсида синаб куриш куп вақт талаб қилади. Бунинг учун илмий текширув ишларини олиб бориш учун янги апаратларни куллаш керак булади. Бунинг натижасида илмий тадқиқот ишларни бажариш учун кетадиган вақт анча камаяди. Бу ерда аналитик ишларда кулланиладиган хроматограф ва физик-кимёвий приборлар тугрисида, уларни тадқиқ қилиш масаласи турибди.

Газни қайта ишлаш ва газ кимёси саноатида хозирги вақтда саноат микёсида жуда куп сорбентлар ишлаб чиқарилмокда. Лекин бу сорбентларнинг купчилигини 20-30 йил олдин тадбик этилган. Янги назариялар асосида тайёрланган ва тадбик этилган сорбентлар деярли йук.

Ўзбекистон иктисодининг ривожланишида Ёкилғи-энергетика комплексининг урни алохида. Унинг таркибига газ, нефт ва нефтни қайта ишлаш, кумир ва энергетика киради. Ўзбекистон жахондаги ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Ўзбекистонда дастлабки нефт кони 1904 йилда очилган. (Фаргона водийсидаги Чимён нефт конида 278 м чуқурликдан суткасига 130 тонна нефт олинган). Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть казиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть махсулотларини сотишни тула уз назоратига олди. “Санто”-Урта Осиё нефть савдоси ширкати ташкил этилди. 1913 йилда жами 13 минг тонна нефть казиб олинди. Урушгача булган даврда Ўзбекистонда нефт казиб олинган конлар сони 11 тага етди. 1959 йилда Фаргона водийси ва Сурхондарё вилоятидаги 9 та нефть конининг узидан 1460 минг т.дан зиёд нефт олинди. 1985 йилда Бухоро – Хива воҳасида яхши таркибли йирик нефт газ конденсатли Кукдумалок кони очилди. Шундан сунг Республика нефт саноати халк-хужалигининг нефтга булган талабини тулик кондириш имкониятига эга булди ва четдан нефть ва нефть махсулотлари ташиб келтиришга зарурат колмади.

Нефтни қайта ишлаш саноати сохасида Олтиарик, Фаргона ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Фаргона заводи сурков мойлари ва ёнилги ишлаб

чикаришга ихтисослашган, ишлаб чикариш буйича 30 дан ортик технологик курилмага эга. Олтиарик нефть заводи эса ёнилги йуналишида, унинг асосий технологик ускуналари 7 та. Бухоро нефт заводи якинда, яъни 1997 йил 22 август куни ишга туширилди. Нефть заводи тула куватда ишлаганда улардан юкори октанли бензин, дизель Ёкилгиси, кокс, парафин, мотор мойларига кушилмалар, ички ёнув двигателлари учун мотор ва сурков мойлари (компрессор, турбина, урчук мойлари), керосин, битум, мазут каби нефт махсулотлар олинади. Янги махсулотларни ишлаб чикаришни узлаштириш дастурига мувофик янги технологиялар узлаштирилмокда. Кейинги йилларда курилган кескин тадбирлар натижасида нефть казиб олиш хажми усди ва Республиканинг нефть мустакиллиги таъминланди.

Газ саноати – Ёкилги–энергетика мажмуасининг энг ривожланган тармоги. Унинг Республикада казиб олинаётган ёкилги балансидаги хиссаси 82,2% ни ташкил этади. 1972- йилда Муборак газни кайта ишлаш заводининг биринчи навбати ишга туширилиб, газни магистрал газопроводларга узатишдан олдин аралашмалардан тозалаш имкониятилари яратилди. (1994 йилда заводнинг 4-навбати ишга туширилди). Якинда Шуртанда газ-кимё заводи биринчи махсулотларини бера бошлади. Фаргона нефтни, Муборак газни кайта ишлаш заводлари ва Шуртан газ комплексида йилига 100 минг тоннага якин суюлтирилган газ ишлаб чикарилади.

Халқ хўжалигининг асосий соҳаси саноатда 2 млн. дан ортик (2007) ишчи ва хизматчилар меҳнат қилади. Саноатда 210 дан ортик тармоқ, 16 йирик тармоқ бўлиб, улардан 8 таси базавий тармоқ ҳисобланади. Ўзбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефт, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқа кўпгина махсулотлар ишлаб чикарилади. Ўзбекистон иқтисодининг ривожланишида ёкилги-энергетика комплексининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, нефт ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика киради. Ўзбекистон жаҳондаги ўнта йирик газ ишлаб чикарувчи мамлакатлар жумласига киради.

Нефтни қайта ишлаш саноати халқ хўжалигини ёкилги ва сурков материалларига бўлган эҳтиёжини қондириб келмокда. Нефтдан битум, кокс, парафинлар олиниб, бундан ташқари нефт - нефт кимёси учун хом-ашёлар базаси ҳам ҳисобланади.

Асосан нефтни қайта ишлаш заводларида қайта ишлаш учун нефт еки газоконденсат берилади. Маълумки, нефт мураккаб органик брикмаларнинг аралашмасидан иборат булиб, унинг асосини углеводородлар ташкил этади. Нефтнинг пайдо булиши ер қаърида бир неча минглаб ,хаттоки миллионлаб йиллар углеводородлар 1 – турдан 2 – турга айланиши натижасида пайдо булган. Асосий нефт сакловчи худудларга асосан АКШ, Саудия Арабистони, Кувайт, Эрон, Ирок, Венесуэла киради. Бизнинг Узбекисонимизда эса асосан: Фаргона водийсида, ҳамда Кашкадарёдаги кукдумалок конида, қисман Хоразм худидида учрайди. Ер қаърининг 2000 метр ва ундан чуқурук қисмида геологлар суюк ёнувчи минерал нефтни топадилар. Бу корамтир ташки курунишдан майсимон ёругликда эса флоресценцияланувчи эканлиги яқкол кузга ташланади. Унинг ковушқоклиги 5 дан то 100 сст (10^{-6} м²/сек) ораликда, хаттоки ундан юкори даражада узгарадиган ҳамда зичлиги эса сувдан анча кам булган бир канча кампонентлар йигиндисидан иборат булган суюк моддадир. Шу жихатларига караб нефтни бир жинсли булмаган модда деб караш керак булади. Нефтни казиб чикариш асосан кудукларни бургулаб казиб чикариш; а) Дастлаб бунда нефт газларнинг босими таъсирида уз – узидан чика бошлайди; б) Агар нефт уз-узидан чикмаса бундай холатларда насослар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Хозирги вақтда жуда куп даражада ривожланган кимевий ишлаб чикариш корхоналари, жумладан нефтни қайта ишлаш заводларда ишлаб чикаришнинг барча технологик тажрибаларини умумлаштирувчи ва уни рационал технологик жараенларга бир ишлаб чикариш туридан бошқасига куллай оладиган етакчи кенг ва чуқур билим савиясига эга булган мутахассислар тайерлашга даъват этмокда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ислом Каримов “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришди” Халқ сўзи, №21 (4936), 2010 й.
2. И. А. Каримов, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” – Тошкент – “Ўзбекистон” - 2010йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг, “БМТ Саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа” – Тошкент 2010 йил.
4. И.А. Каримов, “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёт – матбаа ижодий уйи , Тошкент , 2009 йил .
5. Каримов И. А. Узбекистан на пороге ХХИ века угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.: Узбекистон, 1997. – С. 223-225.
6. А.И.Скобло, Ю.К.Молоканов, А.И.Владимиров, В.А.Щелкунов. Процессы и аппараты нефтегазопереработки и нефтехимии: Учебник для вузов. — 3-е изд., перераб. и доп. — М.: ООО "Недра- Бизнесцентр", 2000. - 677 с: ил.
7. С. А. Ахметов, Т. П. Сериков, И. Р. Кузеев, М. И. Баязитов. Технология и оборудование процессов переработки нефти и газа: Учебное пособие. Под ред. С. А. Ахметова. — СПб.: Недра, 2006. — 868 с.; ил.
8. В.И.Бондарь. Коррозия и защита материалов. Учеб. Пособие. Мариуполь: ПГТУ, 2009. – 126с.
9. Ю.И. Дытнерский. Основные процессы и аппараты химической технологии. М.: Химия. 1995.- 400
10. И.Л. Гурьевич «Общие свойства и первичные методы переработки нефти и газа» М., Мир, 1993, 271 стр.
11. В. Смилович «Крекинг нефтяного сырья и переработка углеводородов», М., Химия, 2000, 327 стр.
12. Ч. Томас. «Промышленные каталические прцессы и эффективные катализаторы» М., Мир, 1993, 271 стр.
13. Е.Д. Радченко и др. «Промышленные катализаторы. Гидрогенизации переработки нефти» Л., Химия 1995, 274.
14. Р.З. Магарил «Теорические основы химических жараёнов переработки нефти» Л., Химия, 1995, 274 стр.
15. Масагутов Р.М. «Алюмосиликатные катализаторы и изменение их свойства при крекинге продуктов » Л., Химия 1995,274 стр.
16. Х.Р. Рустамов «Физик кимё » Т., Узбекистан, 2005, 486 бет.
17. Б.Н. Долгов «Катализ в органической химии» Л., 1999, 807 стр.
18. Семёнов Т.А. Лейтеса И.Л. «Очистка технологических газов» М., Химия, 1997, 487 стр.
19. Суханов В.П. Переработка нефти. Учебник для проф-техн. Учеб.заведений .М., «Высш.школа», 1994.
20. 15.Альбом технологияческих шем процессов переработки нефти и газа». под. ред. Б.И.Бондаренко. –М., «Химия», 1993
21. www.ziynet.uz
22. www.neft-gaz.py
23. www.oil-gas.at
24. www.oil.com
25. www.oil-book.py
26. www.oil-gas.py